

**Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Оролбўйи ҳавзасида сув ресурсларини иқлим ўзгаришига мос ҳолда бошқариш” лойиҳаси бўйича
МАЪЛУМОТ**

1. Ташаббускор ва лойиҳа номи – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Оролбўйи ҳавзасида сув ресурсларини иқлим ўзгаришига мос ҳолда бошқариш” лойиҳаси.

2. Лойиҳани амалга ошириш учун асос – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 сентябрдаги ПҚ–381-сон қарори.

3. Лойиҳа мақсади – Лойиҳа доирасида жами 192 минг гектар (Қорақалпоғистон Республикасида 100 минг, Хоразм 29 минг, Бухоро 44,1 минг ва Сурхондарё вилоятларида 18,6 минг гектар) суғориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланади ва фойдаланишдан чиққан жами 10,0 минг гектар ерлар қайта фойдаланишга киритилади.

4. Лойиҳанинг амалга ошириш муддати – 2022–2029 йиллар.

5. Лойиҳа амалга ошириладиган ҳудудлар – биринчи босқичда Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида, иккинчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида амалга оширилади.

6. Лойиҳанинг умумий қиймати – 194,9 млн. АҚШ доллари шу жумладан – ОТБ қарз маблағи - 150 млн. доллар, Ўзбекистон Республикаси улуши – 40,2 млн. доллар. Шу жумладан, 26,6 млн. доллар қўшилган қиймат солиғини қоплаб бериш ва божхона божидан озод этиш шаклида; грант маблағлари – 3,3 млн. доллар; фермерлар улуши (томчилатиб суғориш тизимларини жорий қилишда 50 фоиз субсидиядан ташқари қисми) – 1,4 млн. доллар.

7. Лойиҳадан кутилаётган натижалар:

“Жондор” ва “Боботоғ” каналларини қайта тикланиши натижасида, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги жами 62 726 гектар суғориладиган ер майдонларига барқарор сув етказиб бериш самарадорлиги оширилиб, сув танқислиги йилларида фойдаланишдан чиқиб кетган 9 526 гектар майдонларни қишлоқ хўжалигига фойдаланишга қайтарилади.

“Жондор” ва “Боботоғ” каналларининг 47,71 км қисмларини бетон қопламалари билан қопланиши, суғориш тизимининг самарадорлигини Жондор каналида 88 фоизгача ва Боботоғ каналида 89 фоизгача оширилади.

Шунингдек, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида 2855 гектар ерда қувурли суғориш тармоғини қуриш, 1597 км коллектор дренаж тармоқларини тозалаш, 1000 гектар ерда томчилатиб суғориш технологиялари, каналларда 282 та гидротехника иншоотини қайта тиклаш 86 та SCADA тизимини жорий қилиш ишлари бажарилади.

Пудратчи/етказиб берувчи:

Бухоро вилояти бўйича:

CAWRMP-ICW-01-сон “Жондор магистрал каналини модернизация қилиш ва Жондор каналидаги иншоотларни қайта тиклаш” “Лот 1: Жондор каналидаги иншоотларни қайта тиклаш”.

Пудратчи: “China Geo-Engineering Corporation” (Хитой).

Шартнома имзоланган сана: 27.12.2022 й.

“Жондор” каналидаги 81 дона гидротехника иншоотни реконструкция қилиш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда барча ишлар якунланди.

CAWRMP-ICW-01-сон “Жондор магистрал каналини модернизация қилиш ва Жондор каналидаги иншоотларни қайта тиклаш” “Лот 2: Жондор-1 (РК 0+00 - РК 278+00) ва Жондор-3 (РК-0+00 – РК-185+00) каналларини қайта тиклаш”.

Пудратчи: “China Geo-Engineering Corporation” (Хитой).

Шартнома имзоланган сана: 27.12.2022 й.

Мазкур объект бўйича қурилиш-монтаж ишлари 90 фоизга бажарилган бўлиб, қолдиқ иш ҳажмларини якунлаш ишлари олиб борилмоқда.

Лот-2 бўйича “Жондор-1” каналининг 27,5 км қисмида 886 минг м³ тупроқ ишлари бажариш белгиланган бўлиб, амалда 735,9 минг м³ тупроқ ишлари бажарилган. “Жондор-3” каналининг 18,5 км қисмида 24 минг м³ тупроқ ишлари бажариш белгиланган бўлиб, амалда 24 минг м³ тупроқ ишлари бажарилган.

CAWRMP-ICW-01-сон “Жондор магистрал каналини модернизация қилиш ва Жондор каналидаги иншоотларни қайта тиклаш” “Лот 3: Жондор-2 (РК-0+00 – РК-366+54) каналини қайта тиклаш”.

Пудратчи: “China Geo-Engineering Corporation” (Хитой).

Шартнома имзоланган сана: 27.12.2022 й.

Лойиҳа бўйича “Жондор-2” каналининг 36,4 км қисмида 1571 минг м³ тупроқ ишлари бажариш белгиланган бўлиб, амалда бугунги кунгача 1044,79 минг м³ тупроқ ишлари бажарилди, лойиҳа бўйича каналнинг бетонлаштириш белгиланган 27,5 км қисмида 106,394 м³ бетон олиш белгиланган бўлиб, амалда бугунги кунгача 13,7 км қисми бетонлаштирилди, 52,310 минг м³ бетон ишлари бажарилди.

CAWRMP-ICW-03-сон “Жондор каналининг хўжаликараро ва хўжалик ичидаги (“Шахрислом” ва “Шахрислом-1”) суғориш тизимини модернизация қилиш”

Пудратчи: “Me'mor Kompleks” МЧЖ (Ўзбекистон).

Шартнома имзоланган сана: 24.05.2024 й.

Каналларнинг лойиҳалаш ишлари якунланиб, давлат экспертизасидан ижобий ҳулоса олинган.

Каналда 162,958 минг м³ тупроқ ишлари, 6003 м³ бетон ишларини бажариш белгиланган бўлиб, каналнинг 7,0 км қисмида 74,3 минг м³ тупроқ ишлари, 16870 м² геотекстиль тўшаш ишлари бажарилди.

Бугунги кунгача каналда жами 1709 м³ бетон олинган.

Сурхондарё вилояти бўйича:

CAWRMP-ICW-02-сон “Боботоғ магистрал каналини модернизация қилиш ва Боботоғ каналидаги иншоотларни қайта тиклаш”.

Пудратчи: “China Geo-Engineering Corporation” (Хитой).

Шартнома имзоланган сана: 23.12.2022 й.

“Боботоғ” канали бўйича ҳозирда каналда 11030 м³ бетон ишлари ва 528 минг м³ тупроқ ишлари амалга оширилган.

Каналда сув мавжудлиги сабабли сувга боғлиқ бўлмаган ишлар бажарилмоқда.

CAWRMP-ICW-04-сон “Боботоғ каналининг хўжаликараро ва хўжалик ичидаги (“МК-1-1”) суғориш тизимини модернизация қилиш, шу жумладан ёпиқ суғориш тизимини қайта тиклаш”.

Пудратчи: “Me’mor Kompleks” МЧЖ (Ўзбекистон).

Шартнома имзоланган сана: 15.11.2024 й.

Мазкур шартнома бўйича МК-1-1 каналининг дастлабки 6 км қисмини бетонлаш ва улардаги 26 дона гидротехника иншоотини қайта тиклаш бўйича лойиҳачилар жалб этилиб, канал ишчи лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва лойиҳа консультанти томонидан кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари диаметри 200 мм бўлган 47,3 км узунликдаги металл ва полиэтилен қувурлари ётқизилади.

Жорий ҳолати – консультант томонидан лойиҳанинг 2-босқичини амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикасидаги “Кегейли” ҳамда Хоразм вилоятидаги Р-8 магистрал каналларини модернизация қилиш бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилган.

Лойиҳанинг 2-босқичи учун ишлаб чиқилган ТИАси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 февралдаги ПҚ-51-сонли қарорига мувофиқ келишиш учун жорий йил 30 июнда Инвестициялар, саноат ва савдо ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирликларига киритилди.